

O'ZBEKISTON TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

1/2009






**1
2009**

Jurnalga 1998-yil
iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI



Илмий журнал

Мазкур сон Тошкентнинг 2200 йиллигига багишланади

Мундарижа



М. Филанович. Тошкент шаҳар маданиятининг вужудга келиши тўғрисида археологиянинг янги маълумотлари 3

А. Абдураззоков. Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасидаги кадимги ва ўрта асрлардаги шиша-созлик 10

А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисидий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч 15

А. Шарипов. Ўрта асрларда Тошкент маънавий-маданий салоҳияти ривожининг бальзи жиҳатлари .. 24

А. Маликов. XVII – XIX асрлар Европа харита-шунослигига Тошкент воҳаси 31

Ў. Султонов. Кафвол Шоший мозори вакфномалари 36

М. Исакова. Тошкентда Марказий давлат архивининг ташкил этилиши тарихидан 41

Д. Зияева. XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳридаги маъмурий-худудий ва ижтимоий ўзгаришлар 49

Н. Махкамова. XX аср биринчи чорагида Тошкент шаҳрининг ижтимоий тузилиши («Ахолини хисобга олиш рўйхати» материаллари асосида) ... 58

С. Шодмонова. Туркистонда янги техника ва технологиялар пайдо бўлишида Тошкентнинг роли .. 66

Г. Уфимцев. Тошкент шаҳри С. П. Бородин ҳаётни ва ижодидаги (1950-1974) 73

Д. Алимова. Тошкент эволюцияси замонавий маданият контекстида 80

Тарихчи кутубхонасиага

Ш. Ёвқочев, А. Хабибуллаев, Б. М. Бобоҷонов-нинг «Журнал «Нағіқаф» как зеркало религиозного аспекта в идеологии джадидов. Факсимиле и исследования текста. Токио: Islamic Area Studies, 2007. 91 с.» китобига тақриз 90

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашивлар, баҳслар

Н. Мустафаева. Академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Тошкентнинг тарихий ривожланишида шаҳар маданияти» мавзудаги йигилиши ҳақида 94

Номер посвящается 2200-летию Ташкента

Содержание

М. Филанович. Новые данные археологии о про- исхождении городской культуры Ташкента	3
А. Абдураззаков. Стеклоделие города Ташкента и Ташкентского оазиса в древности и средневе- ковье	10
А. Атаходжаев. Социально-экономические и культурные взаимоотношения Согда и Чача в ран- несредневековой Средней Азии	15
А. Шарипов. Некоторые аспекты развития духов- но-культурного потенциала средневекового Таш- кента	24
А. Маликов. Ташкентский оазис в европейской картографии XVII – XIX веков	31
У. Султанов. Вакуфные документы мазара Каф- фал Шаши	36
М. Исакова. Из истории создания в Ташкенте Центрального государственного архива	41
Д. Зияева. Административно-территориальные и социальные изменения города Ташкента конца XIX – начала XX века	49
Н. Махкамова. Социальная структура общества Ташкента в первой четверти XX века (на матери- алах переписей населения)	58
С. Шадманова. Роль Ташкента в появлении но- вой техники и технологий в Туркестане	66
Г. Уфимцев. Город Ташкент в жизни и творчес- тве С. П. Бородина (1950-1974)	73
Д. Алимова. Эволюция Ташкента в контексте современной культуры	80

В библиотеку историка

Ш. Ёвкочев., А. Хабибуллаев. Б. М. Бабаджа- нов: Журнал «Нақіғат» как зеркало религиозно- го аспекта в идеологии джадидов. Факсимile и исследования текста. Токио: Islamic Area Studies, 2007. – 91 с.	90
--	----

Научная жизнь: конференции, встречи, дискуссии

Н. Мустафаева. О заседании Республиканского научного семинара «История узбекского народа и его государственности» им. академика Яхъё Гуля- мова на тему «Городская культура в историческом развитии Ташкента»	94
--	----

Тахрир ҳайъати:

Дилором Алимова (бош муҳаррир)	
Мирзуэрт Абусеитова (Қозогистон)	
Омонулла Бўриев	
Алишер Дониёров	
Доно Зияева	
Ўткир Исломов	
Мирсадик Исҳоқов	
Элёр Каримов	
Зоя Орифхонова	
Эдвард Ртвеладзе	
Ильза Сиртаутас (АҚШ)	
Рустам Сулаймонов	
Маргарита Филанович (бош муҳаррир ўринбосари)	
Темур Ширинов	
Нозим Ҳабибуллаев	
Шоира Асадова (масъуль котиб)	
М. Сайдова	
А. Михерёва (муҳаррирлар)	
Т. Гез (мукова дизайнери)	

Маизилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-й.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлиги томонидан
22.12.2006 йилда рўйхатта олинган.
Гувоҳнома № 0051.

Теришга берилди 10.04.2009.
Босишига рухсат этилди 15.05.2009.

Қофз бичими 70×100^{1/16}.

Таймс гарнитура.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 7,74.
Хисоб-нашриёт т. 5,5.
412 нусха. 69-буюргма.
Келишилган нархда

«КО‘HI-NUR» МЧЖда босилди.
Тошкент ш., «Машинасозлар» мавзеси, 4.

М. Филанович НОВЫЕ ДАННЫЕ АРХЕОЛОГИИ О ПРОИСХОЖДЕНИИ ГОРОДСКОЙ КУЛЬТУРЫ ТАШКЕНТА

Ташкент традиционно причисляется к разряду древних городов Узбекистана, хотя его далекое прошлое скучно освещается письменными источниками. Если Самарканда и Бухаре посвящены специальные исторические хроники, хотя и детально повествующие о средневековых этапах их истории, тем не менее они содержат и некоторые факты о происхождении этих городов, и о ранней поре их жизни. Об историческом пути Ташкента письменные сведения отрывочны и порой противоречивы, а происхождение городской культуры теряется во тьме веков.

Для воссоздания истоков и исторического развития Ташкента основным источником стали результаты исследования археологических памятников разного рода и значения, выявленных внутри современной столицы Узбекистана. Ташкент в настоящее время занимает территорию более 330 квадратных километров. Он вобрал в себя большое количество древних поселений, мелких городков, культовых сооружений (их насчитывается около 25), но, главным образом, два основных центра, которые непосредственно можно связать с начальными этапами городской культуры и самого города. Это – городища Шаштепа на канале Джун (ул. Чаштепинская в Сергелийском районе) и Мингурик на канале Салар (вблизи Северного вокзала в Мирабадском тумане).

На Шаштепа в его нижнем горизонте открыто древнейшее поселение оседлых земледельцев на территории Ташкентского микрооазиса, датированное IX – VII вв. до н. э. Оно входит в сеть поселков того же типа, ранее обнаруженных на среднем течении р. Ахангаран, где ныне рас простерлось Туябуузское водохранилище¹. Эта культура впервые открыта на сае Бургюлюк и названа бургюлюкской². Поселение в нижнем горизонте городища Шаштепа – пока единственное в долине Чирчика³. Его обитатели, обладавшие примитивными способами ирригации, обосновались у протока Джун, плоские берега которого позволяли

¹ Дуке Х. И. Туябуузское поселение бургюлюкской культуры. Ташкент, 1982.

² Тереножкин А. И. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса / Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент, 1979. С. 10-16.

³ Филанович М. И. Ташкент: зарождение города и городской культуры. Ташкент, 1983. С. 38 и сл.; Филанович М. И., Дуке Х. О древнейшем поселении на Шаштепа в Ташкенте // ИМКУ. Вып. 24. Ташкент, 1990. С. 57, 71.

без труда отводить воду на поля. Эти первые земледельцы на территории Ташкента жили в полуzemлянках с каркасными стенами и легким перекрытием. В каждой землянке, снабженной очагом и ямами для запасов зерна, проживала одна семья. Жители пользовались глиняной круглодонной посудой, которую выделяли вручную на матерчатом шаблоне, расписывали и обжигали. Они сеяли ячмень и мягкие сорта пшеницы, обрабатывая землю каменными мотыгами, а урожай убирали бронзовыми серпами. Зерно перемалывали в муку с помощью каменных зернотерок.

Жители шаштепинского поселка занимались также придомным скотоводством, разводя крупный и мелкий рогатый скот и свиней. В хозяйстве использовали лошадей, ослов и верблюдов. В каменных формах бургюлокцы отливали из бронзы ножи, серпы, наконечники стрел и другие изделия. Исследователей удивляет ничтожный процент оружия у бургюлокцев по отношению к орудиям труда. Широко было развито ткачество: тонкие и грубые ткани вырабатывались из шерсти и волокон кунжута⁴.

Бургюлокцы еще не обладали знаниями и навыками строительства и архитектуры. Поселение это не имело городского характера. Однако его изучение показывает, что ирригационные и климатические условия Ташкентского микроаазиса уже с древности были весьма притягательны для оседлой жизни, что в полной мере оценят будущие жители города. Уместно вспомнить, что во все времена равнина, где сложился в будущем город Ташкент, всегда изобильно снабжалась водой. Исторически сложившаяся система каналов питала город, который никогда не испытывал недостатка в воде. Это всегда подчеркивали авторы, писавшие о Ташкенте, начиная от средневековья до XIX в.⁵ Основными оросителями в Ташкентском микроаазисе служили две водные системы, связанные с Чирчиком, – Салар – Джун и Бозсу – Калькауз, которые осваивались для хозяйственного использования постепенно. Естественные протоки при этом превращались в каналы.

Во время существования поселений бургюлской культуры еще не было городов во всей присырдаринской зоне. Многолетние раскопки городища Шаштепа привели к обнаружению здесь первой поселенческой

⁴ Филанович М. И., Дуке Х. О древнейшем поселении на Шаштепе в Ташкенте. С. 61.

⁵ Бетгер Е. К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукала // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV. Ташкент, 1957. С. 23; Schuyler E. La ville indigène / Jan M. Le voyage en Asie centrale et au Tibet. Anthologie des voyageurs occidentaux de moyen âge à la première moitié du XX^e siècle. Paris, 1992. P. 320.

структурой городского характера⁶, которая появилась в Ташкентском микрорайоне не позднее II в. до н. э., т. е. в одну эпоху со всей среднесырдарьинской зоной. Эта структура обнаружена на центральном бугре цитадели городища Шаштепа. Исследования 80-х годов XX в. выявили здесь архитектурно-строительный комплекс из сырцового кирпича, включавший ряд помещений и коридоров. Предварительно было определено его назначение – храмово-мемориальный комплекс. В те годы остался нерешенным вопрос об истоках и происхождении этой градостроительной, по своей природе, традиции. Было ясно, что она не является логичным результатом развития местной культуры, поскольку первое земледельческое поселение к V – IV вв. до н. э. прекратило свое существование. Его руины стали местом захоронения проследовавших через оазис кочевников не позднее середины III в. до н. э. К моменту их миграции вся территория Ташкентского оазиса уже стала местом пребывания подвижных скотоводческих племен.

В V – IV вв. до н. э. на всем евразийском пространстве отмечается формирование культур племен кочевников, что стало результатом климатических изменений и аридизации. Об этих племенах сообщают греческие источники, надписи ахеменидских царей, «Авеста». Вчерашиние земледельцы бургулукской культуры, очевидно, были втянуты в процесс формирования скотоводческих культур, утратив навыки ведения стационарного земледельческого хозяйства. Частично они, видимо, сместились на юг в общем движении степных племен. Признаки их культуры обнаружаются на левобережье Сырдарьи в регионе Уструшаны⁷. Таким образом, появившаяся на Шаштепа культура кочевников в середине III в. до н. э. могла принадлежать одному из племен, позднее проследовавших на юг и принявших участие в разгроме Греко-бактрийского царства. Оставляя в стороне исследования этой культуры и отсылая к специальной

⁶ Археологическое исследование Шаштепа, если не считать дилетантских работ членов Туркестанского кружка любителей археологии в конце XIX в., проводилось в 30-е годы XX в. Г. В. Григорьевым, в 1950-1960-е – по линии кафедры археологии САГУ Н. И. Крашенинниковой, а также Институтом истории и археологии АН РУз Ю. Ф. Буяковым и Г. Дадабаевым. Широкомасштабные археологические работы с 70-х годов XX в. по линии Института археологии проводятся Ташкентской экспедицией в составе М. И. Филанович, В. И. Спришевского, Х. И. Дуке, А. А. Грицины, С. Р. Ильясовой, О. А. Папахристу, Л. С. Баратовой, П. Валиева, Б. Уракова, Г. И. Богомолова, Ш. Т. Адылова, К. Алимова.

⁷ Грицина А. А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. Ташкент, 1990. С. 20-21.

работе, отметим только, что ее носителей представляется возможным связать с кочевой частью конфедерации дахов⁸.

С возобновлением с 2000 г. археологических исследований городища Шаштепа был почти полностью выявлен архитектурно-строительный ансамбль в его цитадели: здание оригинальной крестообразной планировки, окруженное кольцевой стеной, возведенное над руинами бургулюкского поселения и над могильником, оставленным прошедшими кочевниками. Здание построено по принципу сочетания креста и круга – древнейших символов солнца. Изучены сырцовые стены со стреловидными бойницами, арки проходов, сводчатые комнаты, некоторые из них окрашены в красный цвет.

Необычная планировка здания, алтарик огня в одной из комнат, а также захоронение черепа в одном из помещений указывают на его специальное назначение – храм солнцепоклонников, позже превращенный в культово-мемориальный центр. Его изучение и сравнительный анализ с городскими структурами, существовавшими к этому времени на всем пространстве сырдарьинской зоны, позволили определить происхождение этого ансамбля. По данным греческих источников V вв. до н. э., солнцу, очевидно, в образе авестийского божества Митры, поклонялись народы Приаралья и правобережья Сырдарьи и ему же приносили в жертву коней (Геродот, I, 216).

Сам архитектурно-строительный принцип крестообразного здания Шаштепа слагался в рамках культуры земледельцев и скотоводов, распространенной в южной части дельты Сырдарьи с IX в. до н. э.⁹ Он ярко представлен в строительных погребальных конструкциях Северного Тагискена, которые являются мавзолеями вождей местных племен. В этих мавзолеях осуществлялся обряд кремации. Пахсовые и кирпичные стены были обильно снабжены облицовкой из балок и жердей, что способствовало сжиганию всего мавзолея. Уже в эпоху поздней бронзы эти племена кочевников были солнцепоклонниками и рассматривали огонь как эманацию солнечного божества. Принцип солярной планировки затем

⁸ Филанович М. И. К вопросу о ранних этапах культурогенеза в Ташкентском регионе // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкента. Международная научная конференция. Шымкент, 2008. С. 58-71.

⁹ Вишневская О. А., Итина Л. А. Ранние саки Приаралья // Проблемы скифской археологии. М., 1971. С. 201-203; Итина М. А. Взаимодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии с их «варварской» периферией в эпоху бронзы // Древние цивилизации Востока. Ташкент, 1986. С. 133, 134; Итина М. А., Яблонский Л. Т. Мавзолеи Северного Тагискена. Поздний бронзовый век Нижней Сырдарьи. М., 2001. С. 18 и сл.

был унаследован носителями чирикрабатской культуры, сложившейся на этой же территории в IV – II вв. до н. э.¹⁰ Основными поселенческими структурами носителей этой культуры были неукрепленные сельские поселения и города.

Исследованы два крупных города Чирикрабат и Бабишмулла, обладавшие городскими стенами. На Бабишмулла изучено здание дворцового типа, выстроенное из квадратного и прямоугольного кирпича. Градостроители чирикрабатской культуры владели всеми навыками строительства, известными на древнем Востоке: методами возведения сводов и арок, устройством световых проемов и стреловидных бойниц в оборонительных стенах. Характерным признаком строительной традиции и духовной культуры этого населения можно назвать возведение культово-погребальных зданий, сочетающих в плане крестовидные и кольцевые элементы, причем сооружения эти на городище Чирикрабат включены в контур городских стен. Эта традиционно повторяющаяся планировка мавзолеев свидетельствует о солнцепоклонничестве и носителей чирикрабатской культуры. Фиксируется лишь разница в погребальном обряде, переход от кремации к выставлению трупов. Отмечая преемственность религиозных воззрений населения Восточного Приаралья и строительной традиции возведения крестовин, следует подчеркнуть урбанизированный характер чирикрабатской культуры, сложившейся, как считают исследователи, под влиянием южных цивилизаций Средней Азии, главным образом Бактрии¹¹. Однако при этом, видимо, нельзя упускать влияния Маргианы на дельтовую часть Амударьи, способствовавшего формированию цивилизации Древнего Хорезма, городской характер которой, возможно, сказался и в формировании чирикрабатской культуры в Сырдарьинской дельте.

Ввиду изменения климата и усыхания дельтовых русел носители чирикрабатской культуры начали покидать места своей прародины в поисках благоприятных условий для ведения привычного хозяйства. Исследователи этой культуры Б. И. Вайнберг и Л. М. Левина сопоставляют их с той частью конфедерации дахов – парнами, которые в середине III в. до н. э. ушли на юг вплоть до Ирана, где в конечном итоге создали парфянское царство во главе с династией Аршакидов¹².

Крестовидные планировки в кольце обводной стены обнаружены и исследованы практически на всем пространстве сырдарьинской зоны.

¹⁰ Вайнберг Б. И., Левина Л. М. Чирекрабатская культура. М., 1993.

¹¹ Вайнберг Б. И. Этногеография Турана в древности. – VII в. до н. э. – VIII в. н. э. М.: Восточная литература, 1999. С. 99, 132.

¹² Там же. С. 264.

Хронология каждого из открытых объектов данного типа позволяет определить исходную точку распространения этих планировок. Ею являются памятники Восточного Приаралья. Такая же планировка обнаружена в Южном Казахстане в районе Чардары на городище Актобе-2. В его цитадели исследован так называемый дворец-крестовина, включавший пять помещений, обведенных стеной заovalенного плана¹³. На Средней Сырдарье этот тип представлен структурой Шаштепа, а выше по реке в Фергане – это Белавуртепа и Арктепа¹⁴.

Таким образом, можно констатировать, что часть племен, неотъемлемым признаком культуры которых является возведение солярных планировок, продвигалась и вверх по долине Сырдарьи. Какая-то группа этих племен обосновалась в Ташкентском оазисе, обретя здесь благоприятную почву для развития своей материальной и духовной культуры. Они и принесли навыки градостроительства и планировочные принципы со своей прародины. Учитывая, что ареал формирования чирикрабатской культуры в низовьях Сырдарьи превратился в «мертвую зону» уже ко II в. до н. э., начало формирования этих планировок по Сырдарье нельзя относить к более позднему периоду. Примечательно, что крестовина в кольце Шаштепа находит очень близкие аналогии в постройках городищ Нушиджан и Шахр-и-Кумис, обнаруженных на территории Ирана. Они определяются исследователями как культовые и датируются парфянским временем не позднее I в. до н. э.¹⁵ Явные параллели постройки Шаштепа в пределах Парфянского государства, видимо, подтверждают их связь с какими-то племенами дахского союза, которые мигрировали из экологически стрессового региона Восточного Приаралья как в южном, так и восточном направлениях.

Исследования Шаштепа показали, что вокруг культово-мемориального сооружения сложилось поселение, зафиксированное на территории около 25 га, но постепенно следы его стерлись современной городской застройкой.

Таким образом, ко времени не позднее II в. до н. э. можно отнести первый опыт архитектурного строительства из сырцового кирпича и пахсы, ставший основой дальнейшего развития урбанизации в долине

¹³ Максимова А. Г., Мершиев М. С., Вайнберг Б. И., Левина Л. М. Древности Чардары. Алма-Ата, 1968. С. 21 и сл.

¹⁴ Горбунова Н. Г. Поселение Арктепа в Южной Фергане // Российская археология. 1994. № 4. С. 191 и сл., рис. 1; Древнейшие города Кавказа и Средней Азии. М., 1985, табл. CLI, рис. 4.

¹⁵ Hansman J., Stronach D. Excavations at Shahr-i-Quimis, 1971 // Journal of the royal Asiatic society. 1974.

Чирчика. Население, принесшее эти традиции из Восточного Приаралья, обосновалось в Ташкентском микроаазисе, и, ассимилировав местные племена, создало урбанизированную культуру на территории Ташкента. Дальнейшее развитие этой урбанизированной культуры оазиса связано с вхождением его в обширную конфедерацию племен, названную китайскими источниками государством Кангюй, что является соответствием Кангхе, упомянутой в «Авесте».

M. Filanovich

Тошкент шаҳар маданиятининг вужудга келиши тўғрисида археологиянинг янги маълумотлари

Маколада Тошкент микроаазиси доирасида вужудга келган урбанизациянинг қадимий боскичлари энг янги археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар асосида кўриб чиқилиб, бу илмий тасаввурларимизни бир қадар тўлдиради. Шоштепа шаҳристонида олиб борилган кенг кўламдаги археологик қазишмалар натижасида, мил. авв. II асрдан Тошкент худудида шаҳар кўринишидаги дастлабки манзилгоҳлар пайдо бўлганлигини асослаш учун етарли ҳужжатлар мавжуд. Улар Чирчик воҳасига шаҳар маданияти Шарқий Оролбўйидан кириб келганлигини исботлайди.

M. Filanovich

On the Origin of Tashkent City

The article analyses the newest materials of archaeological excavations that allow extent a scientific knowledge on the origin and ancient stages of urbanization in the Tashkent micro oasis. Results of the wide archeological excavations of site Sash-Tepa have allowed on the documentary materials to prove the thesis on the origin of the first settlement of city type in the territory of Tashkent not later than II century B. C. They confirm a bringing of skills of the urban cultures to valley of Chirchik from the East Aral region.

A. Абдураззоқов ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВОҲАСИДАГИ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДАГИ ШИШАСОЗЛИК

Тошкент воҳаси қадимги хунармандчиликнинг йирик марказларидан биридир. Бу ерда жуда қадим замонлардан бошлаб, сопол буюмларни ишлаб чиқариш, металлургия, турли-туман ҳалқ амалий санъати соҳалари ривож топган. Булар орасида шишасозлик ҳам анча салмоқли ўрин эгаллаган. Энг қадимги шиша буюмлар, айниқса турли шаклларга эга бўлган тақинчоқлар кўплаб учрайди. Милоддан аввалги II – милодий I асрларига мансуб бўлган икки қаватли, усти юпқа тилла қатлами билан қопланган шиша мунчоқлар ва майдага шиша маржонлар Тошкент воҳасининг кўргина қадимги қабрларида учраган¹. Қорамтири, яшил житаррангли, юзига оқ йўл-йўл чизиклар чизилган мозаик, кўпқиррали ва кўзлари турли рангга эга бўлган кўзмунчоқлар вилоятнинг Ширинсой қабристонида (I аср) топилган². Туябўғиз сув омбори ҳудудидаги қадимги наус ичида ҳам овалсимон шаклдаги шиша кўзмунчоқлар учраган. Уларнинг кўзлари ҳаво рангли шишадан ишланган бўлиб, оқ фондати чукурчаларга жойлаштирилган³. Тахминан шу давларга мансуб бўлган қадимги шиша идиш бўлаклари Чорлоқтепа кўргонида топилган⁴.

Бу воҳадаги шишасозлик ва унинг айрим ишлаб чиқариш қолдиклари илк ўрта асрларда (VI – VIII асрлар) анча кенг тарқалган. Бу даврда шиша мунчоқлардан ташқари идиш парчалари ва шиша эритиш хумдон қолдиклари учрай бошлаган. Агар илгари кўпроқ ҳаво рангли куёш нурини ўтказмайдиган шиша мунчоқлар учраган бўлса, бу вақтга келиб, кўпроқ шишани тиник, куёш нурини ўтказувчи турлари пайдо бўлган.

Бу даврдаги шиша маҳсулотлар қаторига Пискент кўргонидаги наус ичида милодий биринчи мингийиллик ўрталарига мансуб бўлган шаффоғ кўк зангори рангли шиша мунчоқни, Вревский станцияси яқинидаги кўргонда топилган VI – VII асрларда ишланган ошқовоқ шакл-

¹ Воронец М. Э. Археологические исследования 1937-1939 гг. в Узбекистане // ВДИ. 1940. № 3-4. С. 336; Тереножкин А. И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале // Известия УзФАН СССР. Ташкент. 1940. № 9. С. 33-34; Тереножкин А. И. Согд и Чач // КСИИМК. 1950. Вып. XXXIII. С. 152-167.

² Гайдукевич В. Ф. Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане // СА. 1952. № XVI. С. 334, 340.

³ Азамходжаев Т. Туябўғузские наузы // ИМКУ. 1962. Вып. 3. С. 73.

⁴ Записки Русского археологического общества. Спб., 1887. Т. 2. С. 221-223.

даги ўнқиррали нур ўтказмайдиган мовий ҳаво рангли мунчоқни, Лашкерек шаҳристонида топилган VII – VIII асрларга оид хумдоннинг сополғишиш бўлакчаси ва унинг юзида эриб ёпишиб колган кўк яшил ранглишиша парчаларни киритиш мумкин⁵.

Тошкент воҳасида шишасозлик ҳунармандчилигининг энг ривожланган даври IX – XII ва XIII асрларни бошларига тўғри келади. Бу вақтга келиб, шишадан безак зеб-зийнатлари ва мунчоқлардан ташқари турли-туман идиш-товоқлар, уй ва ҳўжалик жихозлари, туваклар, дераза ойналари, кимёвий асбоб ва идишлар ҳамда бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Улар воҳани 30 та ёдгорликларида топилганлиги эса шиша ҳудудда кенг тарқалганлиги, воҳа ахолисининг кўпгина соҳаларига кириб борганлиги ва уларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласалнига ишлаб чиқарилган. Кўпгина археологик ёдгорликларда (10 дан ортиқ) шиша идиш ва уларнинг бўлакларидан ташқари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган топилмалар – хумдон кисмлари, шиша эритадиган кўза-тигеллар, қолиплар, эриб қотиб қолган шиша бўлаклари, ашё ва рангли бўёқ қолдикларининг топилиши Тошкент воҳасининг йирик ва қадимги шишасозлик марказларидан бири эканлигини тасдиқловчи омиллардандир. Бу ерда топилган шиша идиш ва буюмларни кўриниши, шакл-шамойили, ҳаётда бажарадиган вазифаларига кўра, Марказий Осиёда ўрта асрларда кенг тарқалган шиша маҳсулотларининг 40 тача турига жуда якин бўлиб, бу воҳа шишасозлик соҳасида йирик ютуқларни кўлга киритганлигини кўрсатади⁶. Маҳаллий шишасоз усталар бошқа ҳудудларда маълум бўлган бой тажрибалар билан якиндан таниш бўлиб, ўз фаолиятларида оригинал ишлаб чиқариш усул ва технологияларни яратганлар. Ашёлар таркибларини ҳар томонлама ўрганиб, турли ранг ва безак бериш усулларини чукур ўзлаштирганлар.

Идишларнинг кўпчилиги эркин ва қолипларга пуллаш йўллари билан ишланган бўлиб, безак беришни турли усулларидан фойдаланилган. Айрим шиша идишлар ҳақиқий санъат асари бўлиб, уларни безашда ҳар хил усуллар ишлатилган. Топилган шиша маҳсулотларни таҳлил қилиш орқали ўрта асрларда шиша буюмларга безак беришда ингичка ранглишиша ип-таёқчаларни идиш сатҳига эритиб ёпишириш, қолипга босиб

⁵ Бураев Ю.Ф. Пскентские науы // СА. 1968. № 3. С. 132; Азамходжаев Т. Раскопки погребальных курганов близ станции Вревской // ИМКУ. 1961. Вып. 2. С. 229-234; Бураев Ю.Ф. Древний серебряный рудник Лашкерек // СА. 1965. № 1. С. 285.

⁶ Бураев Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1982. С. 91-92, рис 11; с. 159.

штамплаш, ўйиб гул солиш, юмшатилган шиша сатхини босиш, турли рангли тасма ва шаклларни идиш юзига ёпишириш ва бошка кўпгина усуллардан кенг фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тошкент воҳасининг 172 ёдгорлигида тўпланган қадимги хунармандчиликларга оид маҳсулот ва топилмаларни умумлаштириб, академик Ю. Ф. Буряков «Имлак ва Кавардон археологик комплекслари»ни асослади ва уларнинг хронологик даврларини аниқлади. Муаллиф фикрича, Имлак археологик комплекси икки босқич – VIII асрнинг иккинчи ярми – IX асрни ўрталарига ва IX асрни иккинчи ярми – X асрларга ва Кавардон комплекси эса XI – XIII аср бошларига оидdir⁷. Лекин, айрим топилмаларнинг саналари бу даврлардан анча фарқ қиласди. Масалан, Лашкерек конида топилган шиша бўлаклари VII – VIII асрларга хос бўлса, Қадимги Бинокат (Шоҳрухия) шахристонида кулолчилик ва шишасозлик маҳалласида топилган маҳсулотлар XIII – XVI, XIV – XVI ва XVI – XVII асрларга мансубдирлар. Бу топилмалар ичida жуда кўп микдорда турли рангга эга бўлган шиша идиш бўлаклари, эриган шиша эритма ва шлаклари, хумдон кисмлари, қолиплар ва бошка хўжалик асбоб ва қолдиқлари учраган⁸. XIV – XV асрларга оид шиша идишлар шунингдек, воҳани Ниёзбоштепа қальясида ҳам учраган⁹.

Шундай қилиб келтирилган маълумотлар айрим худудлардан фарқли ўлароқ, Тошкент воҳасида шишасозлик милоддан аввалги II асрлардан тортиб, милодий XVI – XVII асрларгача муттасил ривожланиб келганлигидан дарак беради. Бу хунармандчилик факатгина мўғул истилоси таъсирида бир оз инқизорзга учраган.

Воҳа шишасозлиги ривожининг ўзига хослиги, ишлаб чиқариш усул ва услублари, хом ашё ва минерал бўёқларини кимёвий таркибларини ўрганиш мақсадида бир қатор ёдгорликларда топилган қадимий шиша маҳсулотлар кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил этилган. Уларнинг натижалари шишасозлик соҳасида кўлланилган усул ва қоидаларга биноан гурухларга бўлиб чиқилди. Ўрганилган шиша маҳсулотларини таркибида мавжуд бўлган шиша хосил қилувчи асосий кимёвий моддаларнинг микдори (3% ва ундан юқори бўлганлари) га кўра улар қўйидаги гурухларга мансуб эканлиги аниқланди.

⁷ Там же.

⁸ Буряков Ю. Ф. Археологические материалы к топографии Шахрухии XIII – XVIII вв. // Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. Алма-Ата, 1983. С. 61-67; Буряков Ю. Ф., Тихонин М. Р. Раскопки керамической мастерской конца XV – XVI в. в Шахрухии // ИМКУ. Вып. 16. 1981. С. 58-64.

⁹ Меняпов С., Хасанов Б. Керамика древних // Вечерний Ташкент. 20 февр. 1971. № 43 (1418).

**Тошкент воҳасининг ўрта асрлардаги шиша
маҳсулотларини кимёвий таркиблари**

Тартиб рагами	Шишаларни кимёвий таркиблари	Лашкерек (VII – VIII асрлар)	Тошкент (XII аср)	Чорсу (XI – XII асрлар)	Мозортепа (X аср)	Аблик (X – XI асрлар)	Тункат (X – XI асрлар)	Янгибозор (XI – XIII асрлар)	Кендиқтепа (XI – XII асрлар)	Хаммаси	
										Сони	Фоиз
1.	Na ₂ O-K ₂ O-CaO-MgO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	1	6	7	4	5	14	2	1	61	77,2
2.	Na ₂ O-CaO-MgO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	–	–	4	–	–	2	–	4	10	12,6
3.	Na ₂ O-K ₂ O-CaO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	–	–	–	1	–	–	–	4	5	6,3
4.	Na ₂ O-CaO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	–	–	–	–	–	–	–	1	1	1,3
5.	K ₂ O-CaO-MgO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	–	–	–	–	–	–	–	1	1	1,3
6.	K ₂ O-CaO-Al ₂ O ₃ -SiO ₂	–	–	–	–	–	–	–	1	1	1,3
	Жами								79	100	

Жадвалда келтирилган таҳлил натижаларига кўра, Тошкент воҳасида VII – VIII асрлардан то XIV – XVI асрларгача 6 та шиша таркибига мансуб бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Улардан учтасигина (№ 1, 2, 3) амалий қимматта эга бўлган, қолган учтаси (№ 4, 5, 6) эса олиб борилган тажриба жараённида хосил бўлган. Бу сўнгти таркиблар шишасозликда анъанавий бўлмаган янги ўсимлик кулларини жорий этиш вақтида юзага келган. Шу билан бирга уларни фақаттинга битта ёдгорликда учраши қадимги Бинокат шахрида жуда йирик, кўп асрлик тажрибага эга бўлган шишасозлик маркази фаолият кўрсатганлигидан дарак беради. Келтирилган маълумотлар Тошкент воҳасидаги қадимги шиша идишлар асосан битта – олти таркибли кимёвий гурӯхга (№ 1) мансуб бўлиб (77,2%), унинг хамма ёдгорликларда бир хил технологик анъана, ашёлар ва ишлаб чиқариш усуллари кўлланилганини кўриш мумкин. Кейинги икки кимёвий таркибни (№ 2, 3) анча кам учраганлиги (12,6% ва 6,3%) уларни кам расм бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўпоз учрашидан қатъи назар бу таркиблар асосан маҳаллий илдизларга эга бўлиб, улар Марказий Осиёда антик даврлардан бошлаб, Парфия ва Бактриялик шишасоз усталар томонидан яратилган¹⁰.

Тошкент воҳасида топилган шишалар ранги ҳар хил. Бу ранглар пайдо бўлишида кўлланилган ашёлар – кварц куми ва ўсимлик кули тарки-

¹⁰ А б д у р а з а к о в А. А. История стеклоделия Средней Азии в древности и средневековье (Основные этапы): Дис. ... докт. ист. наук, Самарканд, 1993. С. 404.

бидаги турли ранг берувчи кимёвий моддалар – темир, титан, марганец, мис, кобальт ва бошқа металл оксидларини ўрни анча сезиларлидир. Улар таъсирида бир хил шиша таркиблари турли ранг ва тусларга эга бўлган бўлса, айримларини бир-бирига ўзаро таъсири натижасида ранг-сиз шаффоф тиниқ ҳолга келиши ҳам кузатилган. Бундай ҳолатни келиб чиқишида хумдон ичидаги аланга муҳитининг аҳамияти ҳам жуда катадир. Лекин бир нарса аниқки, Тошкент воҳасидаги қадимги шишасоз усталар ранг бериш усул ва воситаларини ҳеч қандай камчиликсиз юкори савияда ўзлаштирганлар ва ўз фаолиятида юксак маҳорат билан амалда қўллаганлар. Турли усулларда олинган илмий-амалий маълумотлар бу ҳудудни Марказий Осиёнинг йирик шишасозлик марказларидан бири бўлганлиги ва маҳаллий усталар бу соҳага катта ҳисса қўшганлигидан дарак беради.

A. Абдураззаков

Стеклоделие города Ташкента и Ташкентского оазиса в древности и средневековые

В статье изучается стеклоделательное производство в г. Ташкенте и Ташкентском оазисе – одном из ранних, крупных центров стеклоделия. Обнаруженные здесь стеклянные изделия датируются от II в. до н. э. – I в. н. э. по XVI – XVIII вв. Отмечается некоторый упадок ремесла в период монгольского завоевания. Показано, что если первые ранние образцы представлены бусами, то, начиная с VI – VIII вв., появляются крупные стеклянные изделия в виде посуды и остатков стеклоделательного производства. Установлено, что особый расцвет этого производства наблюдается с IX – XII по начало XIII в.

A. Abdurazzakov

Glassmaking of Tashkent city and Tashkent oasis in ancient and medieval periods

Tashkent oasis is one of the ancient and well grown center of glassmaking. Here glass wares are found from II – II cent. BC up to the XVI – XVII centuries. Some decline of handicraft is observed in the period of Mongolian conquest. If the earliest samples were presented with beads, in the begin-

nings of VI – VII centuries were appeared big glass wares in the shape of dishes and rests of glassmaking production. Special bloom is observed from VI – VIII cent. Up to the beginning of XIII century.

A. Отакұжасаев

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ВА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СУҒД ВА ЧОЧ

Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий вилоятлар ўзига хос ижтимоий ва маданий мұхит атрофіда тараққый этган. Улар ҳаёти ягона маданий макондаги күшни вилоятларга сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан боғлиқ әди. Зарафшон водийсидеги табиий имконият минтақада суформа деңқончилик, хунармандчилік, яйлов чорвачилиги тез ривожланиб, ички ва ташқи савдони ривожлантируди. Суғд минтақада етакчи ишлаб чыкарувчи сифатида күшни худудлар ривожига ижобий таъсир этди. Хусусан, илк ўрта асрлардаги Сүғднинг Чоч билан алоқалари кейинги даврлардаги муносабатлар учун ҳам мұхым ахамият қасб әтди.

Минтақанинг шимоли-шарқида Сирдарёнинг ўрта оқими Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзасидеги йирик деңқончилик воҳаси билан күчманчи чорвадорларнинг худудлари кесишган географик кулай жойлашган Чоч эса тарихан ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётiga эга әди. Ўрта Осиёда Чочнинг ўрни салмоқли бўлиб, кўп жиҳатдан бу унинг транзит йўллари ва иқтисодий салоҳияти билан белгиланган. Чоч Ипак йўлидаги асосий йўналишлардан бири шимоли-шарқий йўналишнинг узвий қисми ҳисобланган.

Антик манбалар «Яксартнинг у томонида факат кўчманчилар яшаган»¹ дейилади. Аммо, бу Александр Македонскийнинг юришлари даври билан боғлиқ маълумот холос. Қолаверса, юонон-македон кўшинлари Чоч худудига киришга имкон тополмаган. Антик давр маълумотларини тўлақонли әди, деб бўлмайди. Чоч – с’с атамаси эса илк бор милодий II – III асрнинг биринчи ярмига оид Чимкент яқинидаги Култепа харобасидан топилган пишган ғишилди², 262 йилда Сосоний-

¹ Бартольд В. В. Соч. III. М.: Наука, 1965. С. 499.

² Грене Ф. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Ташкент: Карши, 2006. С. 34-36.

лар подшоси Шопур I томонидан ёздирилган «Каабе Зардушт»да эсга олинади. Унда бу юрт ерлари Суғд ва Чочистон (Кўхи Чоч) тофлари қадар чўзилганлиги таъкидланади³. Бундан ташқари археологлар Россиянинг Перм губернияси Кўйи Шахаровка қишлоғидан ва Урал яқинидаги Кечева қишлоғидан топилган кумуш идишларни ўқишига муваффақ бўлишган. Унда «чоч халқидан» – с’с’п н’рс жумласи ёзиб қолдирилган. Мутахассислар бу идишларни III – IV асрларга оид эканлигини аниқлашди⁴. 584-585 йилларга оид Хурмузд IV кумуш драхма тангларида ҳам Чоч атамаси учрайди⁵. Хитой манбалари эса бу юртни Чжэ-чжи ёки Чжэ-ши деб номлаганлар. У ҳақда шундай маълумот берадилар: «Шида бир бино бўлиб, унинг ичида дўнглик бор. Бирор йили (у ерда) кўмиш маросими ўтказилади. Бу дўнгликка ... олтин идишда хукмдор ота-онасининг кўйдирилган суюкларидан қолган кулни қўяди. Сўнгра таҳт атрофида айланади. Атрофдагилар унга гуллар ва турли меваларни сочиб турадилар. Хукмдор эса ўз аёнлари билан курбон қилинган жонликни (дўнгликка) қўяди»⁶. Бунда чочликларнинг маросимларини кўриш мумкин. Аслида Чоч аҳолиси саклар таҳминан мил. авв. IV – III асрлардан суғдийлар таъсирида ўтроклашиб⁷, астасекин зардустийликка эътиқод қила бошлайдилар. Зардустийликнинг маҳаллий анъаналар билан синкретлашган маросимлари амалда бўлган. Зардустийлик таълимоти Хоразм, Суғд, Уструшона ва Чоч худудларида кенг тарқалган. Хусусан, Тошкент воҳаси худудидан топилган зардустийлар остодони намуналари мисол бўла олади. Илк бор остодон намунаси 1871 йилда Тошкентда хўжалик ишлари бажарилаётган чоғда топилган эди⁸. 2001 йилда Тўйтепадан яна бир VI – VII асрларга оид остодон топилган⁹. Қолаверса, Чоч кўплаб ди-

³ Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. 2002. № 3. С. 11.

⁴ Лившиц В. А., Луконин В. Среднеперсидская и согдийская надписи на серебряных оссуариях // ВДИ. 1964. № 3. С. 171.

⁵ Колесников А. И. Дополнительные источники по истории раннесредневекового Ирана и его восточных соседей // Центральная Азия от Ахеменидов до Темуридов: археология, история, этнология, культура. Спб., 2005. С. 113-114.

⁶ Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Ташкент, 1959. Т. 2. С. 272-282.

⁷ Буряков Ю. Ф. Археологические материалы к этнической истории бассейна Средней Сырдарьи в древности и средневековье // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент: Фан, 1986. С. 50-51.

⁸ Гафуров Б. Г. Таджики. Кн. 1. Душанбе: Ирфон, 1989. С. 309, 359.

⁹ Миносянц Б. С. Новые находки оссуарииев из Тойтепа // O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi, 33-nashr. Самарканд, 2002. С. 168-172.

ний конфекциялар кесишган миңтақа ҳам ҳисобланган. Бу ерда зардыштийликдан ташқари, маҳаллий туркларнинг тангричилик дини, христианликнинг настариан оқими ҳам муайян қисм ахолиси орасида тарқалгани кузатилади. Буни диний ибодатхоналари билан боғлиқ атамалар исботлайди. Жумладан, Чирчик воҳасидаги Динбагинакет ёки Динфағнек – дин эҳромлари шаҳри, Чирчик ва Илок орасидаги Фарнкет – муқаддас Фарн шаҳри (Паркент), X(в)арашкет – Илоҳий шаҳр¹⁰ кабилар бунга мисол бўла олади.

Илк ўрта асрлар даврида Чоч ҳақида Хитой манбаларидан 550-570 йилларда Вэй Шоу (506-572) томонидан ёзилган «Вэй шу» солномасининг 102-бобида Чжэшэ (Чиачиат) давлати тилга олинади. Бу маълумотлар VII асрга оид «Бэй ши» солномасида ҳам такрорлана-ди. Уларда келтирилишича, 437 йилда Чочдан Хитойга элчилар борган. Бу Чочнинг IV аср охири – V асрдан мустақил бўлганлигини исботлайди. Мазкур хукмдорлар ўз қавмдошлари Суғд хукмдорлари билан яқин муносабатда бўлгани шубҳасиз. Кейинги асрлар ҳақида Хитой манбаларидан «Тундяне»да Чоч давлатининг Суй сулоласи (581-618) билан дипломатик алоқаси тилга олинади¹¹. Чоч-Ши ҳудудини Устру-шона-Цао-Су-дуй-ша-на шимоли, Ши ва Самарқанд – Қангача бўлган масофа бир хил деб кўрсатган. Демак, савдо карvonлари Самарқанддан чикиб, Тошкент воҳасига етиб келгунча Усрушона ҳудудини босиб ўтган ва Чочда дам олиб, Еттисув томон йўл олган. Чоч воҳасининг ўтроклашувида суғдийларнинг бевосита таъсирлари кучли бўлган. Чунки воҳада ташкил топган дастлабки шаҳарларнинг аксарияти суғдий тилли топонимлар асосида шаклланган. Суғд тужжорлари, ишбилар-монлари, хунармандлари ва деҳқонлари қуидаги тарихий давларда: 1) мил. авв. VI асрларча; 2) мил. авв. IV – мил. III асрлар; 3) мил. III – VIII асрлар ва 4) VIII – IX асрлардан кейин Чочга кириб келганлар. Улар воҳанинг суғорма деҳқончилик ҳудудлари, тоголди ва тоғли ҳудудларига ўрнашиб, маҳаллий ахолининг ўтроклашувига ва улар орасида сингишиб боришига имкон берган. Вужудга келган қишлоқ ва шаҳарларнинг номланишига таъсир этган. Жумладан, Паркент, Пискент, Заркент, Хўжакент, Дукент, Нуқет, Харашкент, Чинончкент, Бинкет, Банокет каби; маҳаллий туркий элемент билан Хотункет, Тўқкент, Тўнкент каби турк-суғд шаҳарлар тизими этник масалада воҳада симбиоз ҳолати кучли бўлганлигини кўрсатади. Бу Чоч ахолиси туркий ва қисман суғдий-

¹⁰ Буряков Б. Ф. К истории раннесредневекового Чача... С. 18-19.

¹¹ Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi. 2005, № 1. С. 3-18.

лардан иборат, деган хулоса беришимизга асос бўла олади. Қолаверса, шаҳарсозлик анъанаси кучли бўлган Суғд Чоч шаҳарлари қурилишига кучли таъсир этгани кузатилади¹².

Чочнинг курдатли Қанғ давлати таркибидаги тараққиёти ҳам Суғд ва Чоч муносабатлари учун ижобий натижа берган. Ипак йўли яна гавжумлашиб, савдо карвонларининг салмоғи ошган. Бу пайтда Хитой манбаларига кўра Чоч худудида Қанғга бўйсинувчи Ю-ни ёки Ю-ени деб номланувчи бешта майдада мулклар мавжуд бўлган. Қанғ давлати барҳам топгач, III аср сўнгида Суғд ва Чоч мустақил ҳокимиятлар вужудга келган Суғд ва Чоч муносабатини эфталийлар даври (мил. V – VI асрлар) ҳам жадаллаштириди. Чоч воҳаси эфталларнинг Ипак йўлидаги муҳим стратегик нуқтаси эди. Бу ҳақда эфталийларнинг сосонийлар подшоси Хусрав I га қарши кураши баён этилган ёзма ёдгорлиги маълумот беради. Унга кўра, эфталлар чегараси Фарғона ва Чочга қадар чўзилганлиги айтилади¹³. Чоч иқтисоди, айниқса, металлургияси давлат аҳамиятига эга бўлган. Эфталлар даврида Суғд ва Чочда бутун давлатда бўлгани каби сосонийларнинг, жумладан, Перознинг товон эвазига тўлаган танглари мумомалада юрганлиги кузатилади¹⁴.

Кўк Турк хоқонлиги манфаатлари эфталийлар билан илк бора Чоч худудида тўқнаш келган эди. Фарбга қараб силжиган Кўк Турк хоқонлигининг Истеми ябғу хоқон бошчилигидаги қўшинлари 555 йилда Инжукуз – Сирдарё бўйига, баъзи манбаларда «Ғарбий денгиз» (эҳтимол Орол денгизи)га етиб келадилар¹⁵. Сирдарё бўйида илк бор турклар ва эфталлар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтади. Даастлаб эфталларга қарши 555 йилда Хусрав I ва Истеми ябғу ўртасида шартнома имзоланган. Шундан сўнгина Истеми Сирдарё бўйи кўчманчиларини енгиб, шимоли-ғарбга юриб, Волга дарёси қадар етиб борган. Аммо, эфталийларнинг қаршилиги Истемининг яна Сирдарё бўйига қайтиб келишга мажбур қилган. Истеми ябғу аввал эфталларга, сўнг асосий ракиби жужон (авар) ларга қарши юришга қарор қилган. Чоч ва Парак (Чирчик) атрофларни кўлга киритган турклар Суғдга кириб борди. Эфталийларнинг батамом тор-мор этилиши Бухоро яқинидаги жангда ҳал бўлди. Бу жангнинг санаси тахминан 563 ва 567 йиллар оралиғида бўлган. Туркларнинг Сосонийлар билан тузилган битимга кўра, Амударёдан чегара белги-

¹² Филимонович М. И. О раннесредневековых престижных сооружениях Чача и Согда / Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее. Ташкент, 2006. С. 40-43.

¹³ Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача... С. 10-11.

¹⁴ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1970. С. 165.

¹⁵ Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. Алма-Ата, 1989. С. 82.

ланиб, Эфталийлар давлати тугатилди¹⁶. Хитой манбалари бу воқеани «тукуелар (турклар) Йеда (Эфталий) мулкини эгаллаб ва авлодларини тарқатдилар», деб таърифлайди¹⁷.

VI аср иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилгач, воҳа аҳолиси этник таркибида туркийлар салмоғи кескин ошган. Бунга маҳаллий туркийзабон катламининг ўзларини хоқонлик вакиллари каби «турю» деб аташлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Суғд ва Чоч воҳалари Ўрта Осиёning бошқа минтақалари азалдан шарқий эроний ва прототурк тилида сўзлашувчи элат ва қабилаларнинг симбиоз ҳолатида яшаган ватани ҳисобланган. Шу боис, хоқонлик даврида сиёсий бошқарув маҳаллий ҳокимликлар қўлида сақланиб қолаверди.

Суғд ва Чоч эса вассал мулклар сифатида Истеми ябғу хоқон тасарруфига кирди. Турк хоқонлиги иккига бўлингач (603 йил), бу мулклар Ғарбий Турк ябғу хоқонлиги таркибида бўлди. 600 йилларда Чочни Хитой манбаларига кўра Дэле Тяньчжи (Фужи) исмли шахс бошқарган. Бу ҳукмдор Суғд ихшиди Вархуман каби Хитой билан мустақил дипломатик алоқани йўлга кўйган¹⁸. Суғд пойтахти Самарқанд муқим бўлса, Чоч ҳукмдорлари ўз пойтахтларини ғарброкқа Сирдарё яқинига, яъни кўчманчи турклар яшайдиган даштга минтақанинг шимоли-шаркий қисмига кўчиради. Чунки 618-630 йилда Ғарбий Турк хоқони Тўн ябғу даврида давлатнинг қудрати юксалди. Унинг тасарруфидаги ерлар чегараси кенгайган. У ғарбий худудларда ўз ҳокимиётини мустаҳкамлаш мақсадида қароргоҳини Чоч яқинидаги Мингбулок (хитойча Цян-циоан) мавзесига кўчиради. Маъмурий бошқарувда ислоҳотлар ўтказиб, қарам ўлкаларга ўз вакиллари – тудун ва элтабарларни юборди¹⁹. Қўл остидаги мулкларини назоратчи ноиблари – тудун ва ҳарбий нозир – тутуқлар орқали бошқарган. Чоч тудунлари ҳақида Беруний ҳам маълумот қолдирган²⁰. Пойтахтнинг кўчирилиши ва тудунликнинг жорий килиниши Чочда туркий бошқарувни мустаҳкамлаган. Кейинчалик Элтариш хоқон даврида (680-691) Ғарбий ябғу хоқонлик 10 аймоққа бўлиниади. Суғд Самарқанд ва Бухоро Суғдига, Чоч мулки ҳам Чоч ва Илокка бўлиниб қолади. Бу бўлинишда Суғдни азалий худудий бирликлари сақланган бўлса, Чочга бу салбий таъсир қилган. Маъданларга бой жануб Илок

¹⁶ Гафуров Б. Г. Таджики. Кн. 1. С. 272-275.

¹⁷ Бичурин Н. Я. Указ. соч. Кн. 2. С. 269.

¹⁸ Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача... С. 12; Бичурин Н. Я. Указ. соч. Кн. 2. С. 277, 282, 313.

¹⁹ Бобоев F. Турк хоқонлиги / ЎЗМЭ. 8-том. 2004. 642-бет.

²⁰ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги ҳалклардан колган ёдгорликлар. А. Расулов тарж. Тошкент: Фан, 1966. 129-бет.

ўз хукмдорига эга бўлиб қолди. Бу эса Чоч мулкини кучсизланишига сабаб бўлди. Қолаверса, мулк ҳокимлари факатгина ябғу хоқонларга бўйсунарди²¹. Турк хоқонликлари даврида Чочни Истеми ябғу хоқон авлодлари набираси Шегуйхон (611-618) томонидан юборилган ноиб Тегин Тянчжи (Хитой манбаларида Дэлэ Тянчжи ёки Фучжи 605-620), Ган тутун – Хон тудун (640-660), Мохэду тутун-Баҳодир тудун (Табарийда Бадар тархон 713-740), Инай тутун ёки Гуле-Инай тудун (741)²²лар томонидан бошқарилган.

VII асрнинг 40-50-йилларига келиб, сиёсий бухронлар натижасида Чоч маълум маънода мустақилликка эга бўлди. Бу даврда Чоч Суғд бошлигидаги Ўрта Осиё мулклари иттифоқига бирлашиш йўлидан борди. Бундан кўзланган асосий мақсад Ипак йўлининг Суғд, Уструшона, Чоч ва Фарғона йўналишини назорат қилиш бўлган. Бунда суғдийларнинг тадбиркорлиги ва дипломатик маҳоратининг ўз ўрни бор эди.

Музей располагает богатейшим писательским архивом, куда входят рукописи, фото, документы, телерадио – записи, обширная личная переписка со многими известными писателями мира XX столетия²⁰.

Особое место среди экспонатов музея занимает богатейшая личная нумизматическая коллекция писателя, состоящая из 10 тыс. монет с научным описанием каждой из них, за что он был удостоен Большой серебряной медали Нью-Йоркской международной нумизматической выставки 1973 г., как за лучшую частную коллекцию монет (русской меди и серебра) в бывшем СССР.

Небольшая картинная галерея в музее представляет творчество таких выдающихся художников XX века, как Л. Бурэ, И. Глазунов, У. Тансыкбаев, Ч. Ахмаров, М. Курзин, А. Абдуллаев и др.

Библиотека, насчитывающая более 10 тыс. книг, хранит следы напряженной работы писателя. Здесь и труды по истории и археологии, и редкие издания, и такие энциклопедии, как Брокгауз и Эфрон, книги по искусству, многочисленные собрания сочинений русских и зарубежных классиков.

Гордость музея – уникальное собрание книг (более 2 тыс.) с автографами известных писателей, поэтов, деятелей науки и культуры разных стран мира, с которыми писатель встречался и дружил при жизни. Среди них автографы М. Горького, А. Ахматовой, Б. Пастернака, американца Ирвинга Стоуна, турецкого писателя Кемаля Тахира, японца Исуси Иноэ и мн. др.

Заслуги С. Бородина были достойно оценены узбекским народом, правительством республики. Он обладатель высшей литературной премии, удостоен звания «Народный писатель Узбекистана». После его кончины в 1974 г. правительством Узбекистана было принято решение о создании мемориального Дома-Музея писателя на ул. Лашкарбеки, 18, где он проживал со своей семьей.

В настоящее время Дом-Музей является одним из богатейших по составу фондов (24 тыс. единиц хранения) среди мемориальных музеев нашей республики. В нем собраны произведения изобразительного и прикладного искусства разных стран мира.

²⁰ См. Личный архив С. П. Бородина. Общее описание.

ТУКУК ВОРОГИМОЛДАС ИНДИСЛАТ Г. Уфимцев
СЕРГЕЯ БОРОДИНА САХАРИДАС АСОСИДА – СИЕРГЕЙ СЕРГЕЕВИЧ СЕМЕНОВИЧИДА
Тошкент шахри С. П. Бородин – ТИМОТИДАС ЗАМОНИ
САХАРИДАС АСОСИДА – СИЕРГЕЙ СЕРГЕЕВИЧ СЕМЕНОВИЧИДА
(1950-1974) – ТИМОТИДАС ТАССУРУТЛАМАННИДА
СИЕРГЕЙ СЕРГЕЕВИЧ СЕМЕНОВИЧ СЕМЕНОВИЧИДА

Мақола Тошкент шахрининг ёзувчи С. П. Бородин хаётида тутган ўрнига бағишиланган. Унда муаллиф томонидан илмий мумалага илк бор киритилаётган архив материаллари асосида маданият арбобининг ижодий, ижтимоий фаолияти, шахсий хаёти хақида маълумотлар келтирилади. Тақдим этилган ахборот Ўзбекистон пойтахтининг XX аср ўрталаридаги маданий хаёти тўғрисида таассурот ҳосил қилишга ёрдам беради.

G. Ufimsev

Tashkent in the life and creature activity of S. P. Borodin (1950-1974)

This article is about the role of Tashkent in the life and creature activity of Sergey Borodin. A Russian writer of Uzbekistan Sergey Borodin is a master of art prose, creator of large historical novels. The part of his life was connected with Tashkent (1950-1974). In the article there are also many new archive materials. The important facts of article are devoted to the cultural life of Uzbekistan in XX century and creature activity, social and cultural work of Sergey Borodin.

Д. Алимова

ТОШКЕНТ ЭВОЛЮЦИЯСИ ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТ КОНТЕКСТИДА

Ўзбекистоннинг ноёб маданияти бир неча минг йилликлар давомида башариятнинг узвий қисми сифатида ривожланиб, халқнинг юксак маънавият доирасидаги фаолиятида акс этган. Табиийки, ушбу маданиятнинг инъикоси ва марказлари унинг шаҳарларидир. Бу шаҳарларнинг

кўпчилиги бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, ушбу давр мобайнида уларда сиёсий, ижтимоий-иктисодий, социал ва коммуникатив таракқиёт омилларини ўзида мужассамлаштирган шаҳар маданияти шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Айни пайтда шаҳар, алоҳида маънавий муҳит шаклланадиган ҳамда мамлакатнинг барча қон томирлари бирлашадиган марказ сифатида ҳам намоён бўлади.

Мана шундай шаҳарлардан бири, Ўзбекистон пойтахти – Тошкент хисобланиб, унингсиз, умуман, мамлакат ривожини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Тошкент ҳақида замонавий маданият контекстида сўз борар экан, энг аввало, уни маданий таракқиётнинг муҳим белгилари ҳисобланган пойтахт ижтимоий мақомига мос келувчи архитектураси, яъни ташки қиёфаси, моддий маданияти, санъат, фан ва таълим, тил ва адабиёт ҳолати, ахолининг гендер жиҳатдан кўрсаткичи ҳамда унинг маънавий хусусиятлари инъикоси бўлган китоб ва мусиқа равнақи, маънавий хаётнинг ажralмас кисми бўлган – дин масалаларига алоҳида ургу бериш лозим. Буларнинг барчаси умумжаҳон цивилизациясининг бир бўлаги ҳисобланган, икки минг йилдан ортиқ ёшга эга улкан, кўп асрли тарихий-маданий меросга асосланади.

Маълумки, замонавий шаҳар анъанавий маданият пойдеворини бузиб юборади, деган фикр мавжуд. Бунга қўшилмаган ҳолда, шуни таъкидлаймизки, қадимий маданий қатламга асосланган ҳозирги шаҳарларнинг аксарияти, ушбу пойдеворнинг асл моҳиятини сақлаган ҳолда, янги шарт-шароитларга мослаб ўзгартирилган ва модернизациялаштирилган ва Тошкент шаҳри ҳам бу жараёндан мустасно эмас. Табиийки, тарихнинг маълум бир даврларида Тошкент архитектураси мафкуравий оқим таъсири остида ўзгартирилди ва зарар кўрди. Шунга қарамай, у замонавий модерн ва XIX – XX аср Европа классик архитектурасининг энг яхши намуналарини ўрта асрларнинг бетакрор урбанистик тарихий мероси билан уйғунлаштирган ҳолда ўзининг мустақил, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолди. Шаҳар иншоотларининг курилишида тарихий услубларга мурожаат қилиш сўнгги 15 йил ичida яратилган биноларда яққол кўзга ташланади. Чунончи, Темурйлар тарихи музейи, Парламент биноси, Темир йўл вокзали пештоқи, Давлат консерваторияси, Болалар ижодиёти маркази, Ислом университети бинолари бизларга Тошкент тарихий ёдгорликларининг курилиш услубини эслатади. Шу билан бирга, шаҳар меъморчилик фалсафаси Тошкентнинг умумий қиёфасига ёт бўлмаган соф европа намуналарини ҳам ўз ичига олади. Булар ҳозирги кунда Ташки ишлар вазирлиги қабуллар уйи бўлган князь К. Романов-

нинг саройи, Юридик институти, Вестминстер университети, Франция элчихонаси, Биржа маркази бинолари ва бошқалар.

Замонавий жаҳон архитектура мактаби тажрибаси эса Тошкентдаги Интерконтиненталь, Шератон (Марказий) меҳмонхоналари, Бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Миллий банк, Ўзбекистон Марказий банки каби янги иншоатларда намоён бўлади.

Пойтахтнинг бош Мустақиллик майдонидаги истиқлол ва инсон-парварлик Монументи, ўтмиш, бугун ҳамда келажак боғлиқлигини ифодаловчи эзгулик Аркаси ва Меъморий комплексидан иборат ўзига хос бадиий-меъморий ансамбли янгича миллий архитектура ривожининг намойиши бўлди.

Тарихий меъморий обидаларнинг сакланиши борасида Ўзбекистон ўзининг концепциясига эга бўлиб, ҳукумат ва республика Президенти И. А. Каримов шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини қайта тиклашга катта эътибор қаратмоқдалар. Ҳозирда XIII асрда бунёд этилган Шайх Зайниддин бобо макбааси, XV асрда қурилган Юнусхон, XVI асрда қурилган Кўкалдош, XIX асрда бунёд этилган Хўжа Аламбардор, Шайх Ҳованди Тохур, Шайх Абулқосим сингари мадрасалар, Ҳазрати Имом меъмориал комплекси 15-20 йил аввалги ҳолатидан тамомила бошқача қиёфа касб этган.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йил Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, ўзбек халқининг ислом маданияти тараккиётiga қўшган улкан ҳиссаси, ислом маданияти ва маънавий бойликларини тиклаш ҳамда асрар борасидаги ҳукуматимизнинг саъй-харакатларининг халқаро эътирофидир.

Шаҳар марказий кўчаларида кад кўтарган А. Пушкин, Низомий Ганжавий, Абай, Л. Шастри, Т. Шевченко, Ш. Руставели, К. Циолковский ва бошка ҳайкаллар архитектурадаги бағрикенглик ва жаҳон маданияти нинг буюк намояндаларига эҳтиром белгиси сифатида Тошкентнинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Бу йўналишлар бир-бирига зид келмаган ҳолда, шаҳарнинг ўзига хос ноёб меъморчилигини ташкил этади. Турли услубларнинг бундай ҳамоҳанглиги Ўзбекистоннинг барча шаҳарларига ҳам хос эмас. Эҳтимол, бу уйғунлик модерн ва ультра-модерн янгиликларини кенг жорий қилинишига тўсиқ яратар, лекин фикримизча, Тошкент архитектурадаги шаҳарсозлик қурилиши хусусиятларига номуносиб бўлган экспансионистик усуллардан мустасно бўлиши керак. Чунки айнан тарихий ва замонавий шаклларнинг мувозанати бир меъёрда бўлиб, уйғунликда ривожланиши шаҳарнинг алоҳида меъморий хусусиятини белгилайди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Тўғри, пойтахт, албатта, замонавий бўлиши керак. У давр билан ҳамқадам, ҳамнафас ривожланиши керак. Лекин, шу билан бирга, ҳаётимизни тўлдирадиган, бойитадиган, унга маъно-мазмун баҳш этадиган тарихий қадриятларимизга содик қолиш, уларни асрар-авайлаш, янги авлодларга бешикаст етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir¹.

Маънавият ва маданиятнинг алоҳида кўриниши бу – динdir. Бу маънода Тошкент алоҳида худуд ҳисобланиб, унда исломгача бўлган эътиқодлар ва ислом дини синкетизми жуда яққол кўринади ва бу унинг аҳолисининг дунёкараши ва тушунчалари, анъанавий турмуш тарзи хусусиятларини белгилайди. Тарих билан суғорилган бу хусусиятлар халқнинг бағрикенглиги билан изоҳланади, зотан, қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу манзилда зардуштийлик, христианлик, ислом, яхудийлик ва бошқа жаҳон динларига эътиқод қилувчи инсонлар ҳамда турли миллат вакиллари яшаган. Буюк ипак йўли – жаҳон тарихида ноёб ҳодиса бўлиб, унинг таъсир даражаси ва омиллари шу қадар улкан эди, у қолдирган мерос бугунги кунгача яшаб келмоқда.

Турфа, бетакрор маданиятлар уйғунлашуви маданий-тарихий жараёнларни умумлаштириб, ўзаро таъсир натижасида янада такомиллашади ҳамда умумий маданиятнинг юксак тараққий этишига ва мазмунан бойишига хизмат қиласди. Бу маънода, Тошкент мазкур жараёнларнинг аккумулятори вазифасини ўтаб, ҳам ўзига хос миллий маданият, ҳам алоҳида бағрикенгликни намоён этадиган умумий маданиятнинг тарғиботчиси сифатида ижтимоий майдонга чиқади. Чунончи, ҳозирги Ўзбекистон худудида 130 дан ортиқ миллат ва элатлар яшаб келмоқда. Тошкентда 114 масжид, 5 рус-православ, 12 корейс-протестант черковлари, 3 яхудий-диний жамияти, 1 католик ибодатхонаси, 1 лютеран кирхаси ҳамда яна кўплаб христиан илмини ўргатувчи черковлар ва Кришна издошлири жамиятларининг фаолият олиб бораётганлигини айтиш кифоя².

Тошкентда 13 республика ва 22 шаҳар миллий-маданий марказлари ўз маданиятлари, тили, санъатини асрар-авайлаш борасида самарали ишларни олиб бормоқдалар³.

Албатта, Тошкентнинг ва умуман, Ўзбекистоннинг ислом теологияси ва тасаввуф илми тараққиётидаги аҳамияти ҳақида тўхталмаслик

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 305-306-бетлар.

² Этно-конфессиональный атлас Узбекистана / Отв. ред. Хуснiddинов З. Ташкент: Госкомземгеодез кадастстр, 2005.

³ Ўша жойда.

мумкин эмас. Халқнинг ахлоқий қадриятлари ривожига ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшган Абу Бакр Мухаммад Қаффол Шоший, Хўжа Аламбардор, Кўхи Орифон, шайх Хўжа Ахрор каби машҳур намояндаларни айтиб ўтишнинг ўзи етарли.

Шаҳар маданий эволюциясининг анъанавий ажралмас кисми фан ва таълим ҳисобланади. IX – XII асрлар бутун Мовароуннаҳр, Хоразм ва Ўрта Осиёning бошқа вилоятлари каби Тошкент учун ҳам «мусулмон ренессанси» (мусулмон уйғониш даври) деб аталган маданиятнинг энг юқори чўққисига етган давр бўлди. Бу даврда Тошкент диний ва дунёвий фанлар ривожининг йирик марказига айланди⁴. Бугунги кунда Тошкентда яшаб, ижод этган юздан ортиқ ўрта аср илоҳиётчи олимларнинг номлари маълум⁵ (Абу Саъид Хайсам ибн Қулайб Шоший, Абу Бакр Қаффол Шоший, Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад Шоший ва бошқалар).

XX аср бошларида эса Тошкент шаклланётган маърифатпарварлик харакати марказига айланди. Бу харакат йўлбошчиларининг энг биринчи вазифаси янги европача мактаблар яратиш йўли билан халқнинг маърифий даражасини кўтариш ва янги ривожланган жамият қуриш эди. Туркистоннинг барча шаҳар ва минтақалари ичida Тошкент энг катта маърифат маркази бўлган десак, муболага бўлмайди. Бу ерда энг кўп янги усул мактаблари ташкил этилган. 1910 йилда Тошкентда 1740 ўқувчи таълим олаётган 24 та жадид мактаблари мавжуд эди⁶.

Ўзбекистон пойтахти – Тошкент кейинги йилларда ҳам йирик фан ва таълим маркази бўлиб келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, яъни 1943 йил Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил килиниб, унинг таркибида 23 илмий тадқиқот муассасалари фаолият юритган.

Мустақиллик йилларида мамлакатда маданият, фан ва таълим соҳасида ўтган даврлар билан ҳатто, таққослаб ҳам бўлмайдиган ютуқларга эришилди ва бунда Тошкент пешқадамликни эгаллаб келмоқда. Унда 40 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасаси ва 3 та минтақавий бўлимларни бирлаштирган Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси, Тиббиёт,

⁴ Ф и л а н о в и ч М. И. Шаш – Ташкент и мусульманский Ренессанс (IX – XII вв.) // Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации. Сборник тезисов докладов и поздравлений, направленных на Международную конференцию, посвященную объявлению города Ташкента столицей исламской культуры 2007 года Исламской организацией по образованию, науке и культуре – ISESCO. Ташкент; Самарканд, 2007. С. 42-43.

⁵ М у х а м е д о в Н. Шошлик олимларнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси (IX – XII асрлар) // Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации. С. 126.

⁶ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 195-201.

Банк-молия, Солик академиялари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Техника, Низомий номидаги Педагогика, шунингдек, Иқтисодиёт университетлари мавжуд. 1999 йил Ўзбекистон Президенти фармони билан Тошкент Ислом университети очилди. Тошкентда жами үттизта олий ўқув юртлари фаолият юритмоқда. Юз минглаб ёш ўзбекистонликлар 300 дан ортиқ мактаб, ўнлаб академик-лицея ва қасб-хунар колледжлари, 30 та мусика, 25 та спортга ихтисослашган мактабларда таҳсил олмоқдалар.

Тошкент маданиятининг алоҳида ва ёрқин қисми унинг бетакорор мусиқасида намоён бўлади. Турли маданий-тариҳий даврлардан ҳозиргача мусика, миллий ижодий мактаблар, усуллар ва йўналишларнинг бир вақтнинг ўзида мужассамлашуви «оҳанглар санъати»нинг серкирра киёфасини ташкил этади. Улар жамиятнинг тури ижтимоий қатламларининг бадиий эҳтиёжларини қондириб, ўз навбатида бебаҳо полифоник маданият яратди. Шаҳар мусика маданияти эволюцияси миллий анъаналарнинг жаҳон маданияти намуналари билан узвийлигида ривожланди.

Агар Тошкентнинг мусика маданияти эволюциясини кузатадиган бўлсак, сўнгги ўн йилликлар давомида бутун Ўзбекистондаги каби жанр таркибининг бойиганлиги, анъанавий мумтоз услубнинг нафақат сақланиб, балки такомиллашиб бораётганлигини ҳамда унга борган сари эҳтиёжнинг ортаётгани ва бошқа усуллар билан бадиий ўзаро алоқага киришаётганлигини кузатиш мумкин. Бунга мисол тарқасида, икки хил жанр уйғунлашувидан иборат симфония-мақом, симфония-ғазал, мақом-концерт, концерт-достон, реквием-марсия ва бошқа турларни кўрсатиш жоиз. 2003 йил Тошкент анъанавий мусика мактабида кенг тарқалган бебаҳо «Шашмақом» жанри ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий меросининг шоҳ асари» деб тан олинди.

Шаҳарнинг маданий эволюциясида театр санъати алоҳида аҳамият қасб этади. Хусусан, Тошкент кўчаларида бугунги кунгача сақланиб қолган масхарабоз ва қизиқчилик санъати⁷, ҳалқ цирки, қўғирчоқ театри кўп асрлар давомида ҳалқ тафаккурининг гоявий-эстетик ривожида муҳим роль ўйнаганлиги театр томошаларининг қадимийлигидан гувоҳлик беради.

Анъанавий ўзбек театри мусика ва ракс санъатлари билан ҳамоҳанглиқда ривожланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа театрининг кириб келиши, XX аср бошларида профессионал саҳнани «ҳақиқат ойнаси» ва инсон

⁷ Қизиқчи – комедиант, комик; масхара – насмешка, шутка.

тарбиячиси деб ҳисоблаган маҳаллий маърифатпарварлар – жадидлар ўзларининг маданий дастурида бу соҳага алоҳида эътибор қаратган эдилар⁸.

Совет даврида ўзбек профессионал театр ғоявий тазиикларга қарамай, ҳалқ миллий санъати ва жаҳон классик драматургияси анъаналарининг энг яхши намуналарини ўзлаштириди. Жаҳон ва миллий драматургиядаги мураккаб образларни мақомига етказиб ижро этган Ўзбекистон театр санъатининг буюк дарғалари А. Ҳидоятов, С. Эшонтўраева, А. Ҳўжаев, Ш. Бурхонов, Н. Раҳимов ва бошқаларни, хеч қандай муболағасиз, ўзбек театр санъатининг олтин фонди, деб ҳисоблаш мумкин.

Тошкент алоҳида ўзига хос демографик қиёфага эга. Бутун тарихий давр мобайнода шаҳар демографиясининг ўсиб бориши, унинг «мегаполис» мақоми сари шиддат билан интилаётганидан далолат беради. Ёзма ва археологик манбалар асосида қилинган тахминий ҳисоблар ўрта асрларда Мовароуннаҳр шаҳарлари йириклиги билан ажralиб турганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, XVI асрда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари майдони Европанинг Париж, Милан, Неаполь каби шаҳарларидан нисбатан катта бўлса-да, аҳолининг жойлашув зичлиги улардан камроқ, 40 минг киши атрофида бўлган. Мовароуннаҳр шаҳарлари аҳолисининг умумий сони 1,5 млн., яъни умумий ҳисобда 20% ни ташкил этарди. Агар XX аср охирида Ўзбекистонда 22 млн. аҳоли истиқомат қилганлигини инобатга олсак (бунга Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳарлари киради), ўсиш динамикасининг кўлами нечоғли юқори бўлганлигини кўриш мумкин⁹. Бундай ўсиш кўрсаткичи, айниқса Тошкентда жуда юқори. 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш ҳисобига кўра, шаҳарда 155,6 минг киши истиқомат қилган бўлса¹⁰, бугунги кунга келиб, бу ракам 2,7 млн. ни ташкил этади. Тошкент аҳолиси сони ҳамиша бошқа шаҳарларга нисбатан 10-15 баробар юқори бўлган. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, Тошкент, умуман, Ўзбекистон жаҳон урбанизация жараёнларида ўрта даражадаги кўрсаткичларга эга.

Агар Тошкент аҳолисининг замонавий турмуш тарзи хақида гапирадиган бўлсак, ундаги гендер ўзгаришларни кузатмасликнинг иложи

⁸ Хамидова М. А. Роль русской культуры в становлении узбекского профессионального театра XX века // История: проблемы объективности и нравственности. Материалы научной конференции. Ташкент, 2003. С. 213.

⁹ Ҳакимов А. Урбанистическая культура Узбекистана как объект изучения // Ўзбекистон урбанистик маданияти. Ҳалкаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 4-5 декабрь, 2003. 14-15-бетлар.

¹⁰ Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года.

йўқ. «Россия империясининг 1897 йилдаги аҳолини ҳисобга олиш биринчи умумий рўйхати» га кўра, Тошкентнинг 155,6 минг аҳолисидан 88,2 минг, яъни 56,5 % эркак, 67,4 минг, яъни 43% ни аёллар ташкил этган. XX аср бошларидағи фотосуратларда, Тошкент кўчаларида аёллар киёфаси камдан-кам учрайди.

Агар бугунги кун шаҳар кўчаларини кузатадиган бўлсақ, унинг 60% ини аёллар тўлдириб турибди, десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик даврида фан, таълим, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда яратилган эркинликлар аёлларга ўзларининг қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятини берди. Ҳозирда Тошкентда 1 млн. 115 минг, яъни эркаклардан 32 мингта, аниқроғи 2% кўпроқ аёллар истиқомат қиласидар. Улар орасида 2941 тадбиркор, республикадаги тўртта сиёсий партияларнинг 61.302 аъзолари мавжуд. Тошкент хотин-кизлар кўмиталаридағи бошқарув таркибининг 462 тасини аёллар ташкил этади. Тошкентнинг интеллектуал маркази – Фанлар академиясида 5464 кишининг 2199 таси аёллардан иборат бўлиб, уларнинг 376 таси фан доктори ва номзоди илмий даражаларига эга. Бу шаҳар гендер маданиятининг ёрқин ифодасидир. «Ҳозир Тошкент шахридаги 6 та университет ва 23 та институтда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 90 мингдан зиёд ўғил-кизларимиз таълим олмоқда. Бу мамлакатимиздаги талаба-ёшларнинг 50 фоизини ташкил этишини инобатга олсан, Тошкентни хеч иккilanмай талabalар маркази, деб аташ мумкин»¹¹.

Маданиятдаги халқ дошишманлиги, дид нозиклиги, комилликка интилиш Тошкент амалий санъатида ҳам яққол намоён бўлиб, у ўзининг ворисийлигини сақлаган ва эстетик анъаналарига риоя қилган ҳолда ривожланмоқда. Амалий санъатни асраш ва ривожлантириш бўйича хукуматнинг бевосита чора-тадбирлари сабабли, бадиий ҳунармандчиликнинг кулолчилик, ўймакорлик, заргарлик, тери ва ёғочни қайта ишлаш, тўкувчилик, гиламдўзлик ва бошқа санъат турлари янгидан тикланиш имкониятига эга бўлдилар. Антик ва ўрта аср кулолчилигининг ноёб асарларини қайта таъмирлаган, шунингдек, XIX – XX аср бошлари Ўзбекистон халқ кулолчилик мактабининг турли бадиий усул ва технологияси сирларини тиклаган М. Раҳимовнинг нафис кулолчилик мактаби Тошкентда катта муваффақият билан ривожланмоқда.

Тошкент музейлар коллекциясида Тошкент накқошлиқ мактаби усталари А. Қосимжонов, Я. Рауфов ва ёғоч ўймакорлиги усталари С. Хўжаев, Н. Зиёкориевларнинг ноёб асарлари сақланади.

¹¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 298-бет.

Ўрта асрларнинг услуг ва йўналишларини ижодий ўзлаштирган замонавий Тошкент миниатюра рассомлари ака-ука Болтабоевлар, Ф. Раҳматуллаев, Н. Холматов ва бошқалар анъанавий миниатюра тасвирий санъатига янги ҳаёт бахш этмоқдалар¹².

Тошкентнинг замонавий заргарлик усталари ўз ишларида ўзбек заргарлик санъатининг асрий анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда, ўзига хос шахсий ижодий изланишдалар. Н. Холматов, Ф. Дадамухамедов, Г. Тошев каби заргарларнинг номлари Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур. Тошкент бадиий ижодиётининг барча турларини санаб ўтиш мушкул, лекин уларнинг яратган маҳсулоти санъатнинг асл, ноёб асарлари ҳисобланиб, техник мукаммаллик ва ажойиб фантазияни ўзида муҗассам этади. Улар доимий равишда ҳалқаро кўргазмаларда Ўзбекистон миллый маданияти шуҳратини муваффакият билан намоён этмоқдалар. Тошкентнинг маданий эволюцияси қадимий ва бой маданий мерос неғизида содир бўлмоқда.

Мустақиллик шароитида маданий меросга муносабат аниқ, пухта ўйланган муҳим стратегияга эга бўлди. Бу, албатта, ўтмишни ортиқча идеаллаштириш, дегани эмас, аксинча, Ўзбекистон ўтмиш маданиятининг бебаҳо, ноёб жиҳатларини жаҳон цивилизацияси ривожига қўшаётган улкан ҳиссаси ҳақидаги ҳақиқий баҳони айнан шу даврда олди. Бу республикада содир бўлаётган чукур ижтимоий ва маънавий ўзгаришларнинг далолати ҳисобланади. Тарихий-маданий ўтмишга мурожаат ва шу билан бирга замонавий ижтимоий-маданий мақсадлар сари интилиш муайян қонуниятга мувофиқ инсон тафаккурининг тарихий даврлар контекстида ўз-ўзини англашни тақозо этади. Ч. Айтматов айтганидек: «Маданиятнинг миллый ўзига хослиги – бу факат неча асрлардан бери келаётган миллый хусусиятлар эмас. Миллийлик деганда нафақат сақланиб ва даврлар оша ўтиб келаётган, балки янги замонавий ҳақиқатлар негизида яратилган тажриба тушунилади»¹³.

Бунинг ёркин намойиши сифатида мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, унинг пойтахти Тошкент тимсолини кўриш мумкин. Бундай ўзига хослик юксак мақсадлар сари интилаётган шаҳар аҳолисига ҳам тегишли, албатта. Шаҳар ўзининг ҳаёти ва фаолиятида Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарларида такрор қайтариладиган фикрлар: олам – инсонларнинг уму-

¹² Каранг: Тошкент – ислом маданияти гавҳари. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 162-168-бетлар.

¹³ Центральная Азия и культура мира. Бишкек, 1997. № 2-3. С. 22-23.

мий бойлиги, эътиқодлар –турли, лекин Оллоҳ – ягона, фан – башарият гавхари, Ватан – битта ва бетакрор, деган мазмунга эга маънавий тамоилиларга асосланади.

Д. Алимова

Эволюция Ташкента в контексте современной культуры

Статья посвящена полифонии культуры современного Ташкента, которая выражена в многообразии архитектурных форм, театрального и песенного искусства, полиэтничности и поликонфессиональности населения города. Подчеркивается, что стержнем полифонии является гармоничное сочетание древнего, средневекового культурного наследия и тенденций, присущих современному урбанизму.

D. Alimova

Evolution of Tashkent in the context of modern culture

The paper is devoted to polyphony of the culture of contemporary Tashkent which is manifested in the variety of architectural forms, theatrical and singing art, multi-ethnic and multi-religious face of the city. The author notes that the essence of this polyphony is a harmonic combination of the ancient, medieval cultural heredity and tendencies of modern urbanism.

Тарихчи кутубхонасига
Известия о библиотеке истории Узбекистана

Б. М. БАБАДЖАНОВ: ЖУРНАЛ «НАҚІQАТ» КАК ЗЕРКАЛО РЕЛИГИОЗНОГО АСПЕКТА В ИДЕОЛОГИИ ДЖАДИДОВ. ФАКСИМИЛЕ И ИССЛЕДОВАНИЯ ТЕКСТА

Издатель: проф. Х. Коматцу. Токио: *Islamic Area Studies*, 2007. – 91 с.

Рецензируемая работа опубликована в рамках исследовательского проекта «*Islamic Area Studies*», уже много лет успешно функционирующего при Токийском государственном университете¹.

Взгляды и идеи авторов статей в журнале «Нақіат», издаваемом в Ташкенте в 1922 г., явились предметом обширного анализа Б. М. Бабаджанова, став поводом к рассмотрению многих аспектов идеологии и судеб движения джадидов, в той или иной степени корректируя, резюмируя и дополняя исследования прежних авторов.

В таком ракурсе идеология джадидов до сих пор специально не изучалась никем из специалистов. В подавляющем большинстве случаев джадиды, как резонно замечает автор, в своих публикациях опираются на религиозную аргументацию, и она обращена именно к верующим, в которых они надеялись видеть собственный электорат и объект своих реформаторских порывов (С. 52-54).

Практически в каждой из изученных статей, как справедливо отмечает Б. М. Бабаджанов, затрагивается особое отношение их авторов (преимущественно джадидов так называемого «правого крыла») к религии, не только как к «святая святых», но и как к обязательному инструменту в регуляции общественных отношений для социума того времени, как к эффективному образцу этических норм, общественной морали и т. п. Однако основное условие, при котором религия может и должна выполнять эти функции, джадиды считают «исправление» представлений масс и практикующих богословов (имамов, мулл и пр.) о «правильном и чистом исламе». Речь шла, как замечает автор, об избавлении общины от «массы придуманных или легитимированных общественным мнением условностей, поверий, обрядов и обычаяев» (С. 36)². Как пола-

¹ Часть публикаций по Центральной Азии и сайты приложены в конце рецензируемого издания.

² Следует иметь в виду, что это движение за «исправление» представлений об исламе (движение «ислахийа», от ар. «al-ислах» – «исправление», в более современном понимании – «Реформация») возникло в Египте и Турции. Именно такие египетские мусульманские просветители, как Рифа' ат-Тахтави, Абд ар-Рахман ал-Кавакиби, Джамал ад-Дин ал-Афгани, Мухаммад Абдо первыми пришли к осознанию необходимости

гали джадиды, неправильное понимание ислама и стало причиной обширной стагнации исламской уммы. Именно это состояние стагнации (в том числе и в области религиозных представлений) резко критиковали джадиды. Но это привело, как замечает автор, к отдалению самих джадидов от той инертной и «консервативной» аудитории, к которой они апеллировали и которую стремились реформировать (см. первые страницы «Заключения»).

Интересны идеи автора о том, что часть так называемых «кадимистов» (они также условно названы «консерваторы») тоже были не против реформации восприятия религии в массах простых верующих, но принципиально другими методами, например, усовершенствованием методологии и поля действия фикха, естественно, в пределах «иджтихада в мазхабе». Между тем, джадиды, как отмечает Б. М. Бабаджанов, говорили об «открытии» ворот иджтихада – т. е. о рациональном толковании законов религии, свободном восприятии технических и прочих достижений развитых стран, их политических институтов, более открытых формах сотрудничества с ними и так далее. Автор выделяет два источника (или метода) религиозной аргументации в обоснованиях заимствований у Европы: *кийас* и *истихсан* (С. 15-16 и более конкретно в «Заключении»). Именно эти идеи, на наш взгляд, нуждаются во внимании в контексте изучения трудов джадидов.

Нельзя не согласиться с Б. М. Бабаджановым и в том, что апелляция джадидов к способам обучения в мадраса периода развитого средневековья, как образцовым в смысле сочетания светских и религиозных наук, априорна (С. 32, 55). Хотя можно было бы на основе изучения комплекса источников попытаться глубже разобраться в мотивах джадидов. Как нам кажется, они прекрасно понимали, что это – та единственная парадигма, которая могла быть воспринята в среде мусульман того времени. Значит собственный опыт был и остается гораздо важнее, ближе и понятнее, чем прямое заимствование «чужих» (пусть даже более лучших) путей образования.

Мы также солидарны с мнением исследователя, заметившего, что религиозная и национальная идентичность у большинства джадидов были почти неразделимы (С. 19-20).

приспособления ислама к современным условиям (A h m a d R. S. Al-Din Wal-Dawlah Wal-Thawrah (Religion, State and Revolution). Al-Dae Al-Sharqiyah, 1989. P. 34.; A b d e s - s a l a m Faruq. Al-Ahzab al-Siyasiyah fil-Islam. Qalyoob Publishing House, Cairo, 1978; T a m i m i Azzam. The Origins of Arab Secularism // T a m i m i A., E s p o s i t o J. (Eds.). Islam and Secularism in the Middle East. Hurst and Company, London, 2000. P. 18-19.)

Очень интересными нам кажутся и наблюдения автора касательно отношений джадидов с ранними большевиками (С. 42-43, 57-58). Автор делает своеобразное заключение: «В целом до- и постреволюционные трансформации части джадидов – явление весьма любопытное, дающее основание говорить как о естественноисторическом развитии значительной части лидеров этого движения в сторону «социализации», так и о его кризисе» (С. 47-48).

Не умаляя достоинства рецензируемой работы, мы также хотели бы остановиться на некоторых досадных недочетах и ошибках, допущенных в ней. Прежде всего, это касается библиографии. При ее безусловно значительном объеме (для такой относительно маленькой работы), нам представляется, что следовало бы больше внимания уделить публикациям наших отечественных исследователей джадидизма.

Хотелось бы также возразить Б. М. Бабаджанову относительно его предположения, что большинство работ западных социологов и историков Европы XIX – начала XX в. доходили до джадидов в русских переводах (С. 20, 34-35; см. также примечания на этих же страницах). Более обосновано мнение о том, что местные джадиды большей частью знакомились с работами европейских мыслителей через более понятные им турецкие переводы (что видно, между прочим, по приводимым в оригиналах названиям сочинений), либо критические переложения реформаторов Османской империи³.

И, конечно, довольно осторожные предположения автора по поводу возможного влияния на идеологию джадидов му'tазилизма (С. 14) также требуют более серьезных обоснований, что, впрочем, отмечает и сам автор, в частности, в «Заключении» (С. 53-54).

Касаясь вопроса о предопределении в толковании джадидов, Б. Бабаджанов приводит ряд цитат (С. 40), но почему-то пропускает важную, на наш взгляд, ремарку джадидского автора:

اھل سنت اراده جزئیه گه قدر اعتقاد ایتمکده و بونی انکار بله ن قول
او زیننیک فعلیده مضططر در دیگه ن جبریه نی تکفیر نیت مه کده در ...

«Сунниты убеждены в том, что волеизъявление (*irāda-yi juz ūya*) – это предопределение Джабаритов, которые отрицают это и говорят: «Человек (*qul*) неволен в своих действиях» – они (сунниты) считают кафирами».

³ Seignobos. Tarihi medeniyet. Mutercimi Ahmed Refik. Istanbul: «Kutuphane-i Askeri», 1912; Montesquieu. Ruh ul-yavanin. Translated by Huseyin Nazim. Istanbul: Matbaa-i Amire, 1920.

1-son

Такие ремарки, на наш взгляд, показывают, что правому крылу джадидов были знакомы многовековые дискуссии в исламе по проблемам эсхатологии, а их знакомство с религиозно-философской традицией и каламом значительно глубже, чем полагают некоторые исследователи. Это следовало бы отметить в публикации.

При всем профессиональном опыте автора как переводчика в переведениях некоторых фраз закрались ошибки. Например, в разборе первой статьи первого номера журнала неточно понято слово «Farz/fardh»⁴ (С. 12). Его следовало перевести как «Индивидуальное», а не как «Религиозные обязанности». Далее (С. 18) слово «اتخاذ» прочтено неточно как «иджтихад», что также несколько меняет значение перевода и отчасти сделанных в абзаце выводов. Нам также кажется, что слово ايرله ر в конце второго номера журнала (где некий Шамс задает вопрос редакции) следовало перевести как «посторонние мужчины», а не как «муж законный». Эти мелкие ошибки отчасти отражаются на смысле переводов. Однако эти недостатки не умаляют ценности работы, в которой масса интереснейших идей и наблюдений, сделанных автором. Надеемся, что она станет толчком к более углубленному осмыслению как идеологии джадидизма, так и динамики религиозной реформации в регионе в целом.

Ш. Ёвкочев, А. Хабибуллаев

⁴ С конечным «dh», как в слове «Dhikr» (поминание).

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

АКАДЕМИК ЯХЁ ГУЛОМОВ НОМИДАГИ

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ»

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ «ТОШКЕНТНИНГ

ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ШАҲАР МАДАНИЯТИ»

МАВЗУИДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА

Тошкент ўзининг қадимги ўтмиши, бой ҳамда бетакор маданияти билан ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихида салмоқли ўринга эга. Шу билан бирга шаҳар тарихнинг турли даврларида илм ва фан маркази сифатида бутун дунёга машҳур бўлиб келди. 2007 йил Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти – ISESCO томонидан ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши, шунингдек, 2007 йил 2 ноябрда ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 34-сессиясида 2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори шаҳар юбилейини кенг миқёсда нишонлаш борасида муҳим омил бўлди. Шу жиҳатдан караганда, 2009 йил 18 марта ЎзРФА Тарих институтида ўтказилган академик Яхё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Тошкентнинг тарихий ривожланишида шаҳар маданияти» мавзусига бағишланган 54-йигилиши ҳам айнан ушбу тадбирлардан бири ҳисобланади. Семинарда тингланган маъruzalarда Тошкент шаҳри тарихини ўрганиш бўйича сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишларнинг натижасига кўра қўлга киритилган янги-янги маълумотлар, илмий хуносалар тақдим этилди.

«Тошкентнинг тарихий ривожланиш босқичлари археологик материалларда» деб номланган маъруза билан иштирок этган т. ф. н. М. И. Филанович ўзининг энг сўнгги илмий маълумотлари асосида Тошкентнинг қадими тарихини ўрганишга бағишланган археологик тадқиқотларни З босқичда таҳдил этиб берди. Жумладан, I босқич – ҳозирги Тошкент шаҳри жанубий қисмидаги мил. авв. икки мингийилликка оид 25 гектар майдонни эгаллаган Шоштепа шаҳристонидаги археологик топилмалар шаҳар қурилиши тарихий ривожланишининг илк даврини белгилаб беради. II босқич – ҳозирги шаҳар шимолий вокзали яқинидаги ва Салор канали бўйидаги Мингўрик манзилгоҳи саналиб, урбанизация жараёнининг бошланиши ва Тошкент ҳудудидаги илк шаҳарсозлик тажрибаси шаҳар тараққиётини айнан мил. авв. II асрдан аввал шаклланган дейиш имконини беради. III босқич – араб тилидаги манбаларда Шош, Мадинат аш-Шош номлари билан бир қаторда тилга олинган яна бир ном – Бинкат шаҳрининг IX – X асрларда иккисодий жиҳатдан ривожланиб, XI асрга келиб янада равнақ топиши билан боғлиқ бўлиб, археологик топилмалар буни исботлаб бермоқда. Академик Ю. Ф. Буряковнинг «Тошкент воҳаси

ёдгорликларини ўрганишга оид янги маълумотлар» номли маърузаси концептуал характерга эга бўлди ва унда воҳанинг археологик ўрганилиши ҳамда Яҳё Фуломов номи билан боғлиқ тарихий жараёнлар, шунингдек, қадимий шаҳар маданияти тарихи, тарихий топографияси, шаҳар тузилмаси, ижтимоий-иктисодий ривожига оид масалалар янги археологик маълумотлар орқали таҳлил килиб берилди. Академик Э. В. Ртвеладзенинг «Чоч нумизматикасининг вужудга келиши» масаласига доир маърузасида Тошкент воҳасида милодий III асрдан то VII асрга кадар шаклланган давлат уюшмалари, эфталийлар ва турк хоқонлиги давридаги, араб истилоси арафасидаги тарихий жараёнлар нумизматик маълумотлар таҳлили асосида тақдим этилди. Мазкур маълумотлар Чоч ҳокимияти ҳамда бу ҳудуддаги ҳокимлар ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил килиб, шаҳарсозлик маданияти ривожининг муҳим даври бўлганлигини исботлайди. «Тошкентнинг бадиий маданияти: тарихий ривожланиш ва замонавийлик» мавзусига бағишлиланган академик А. А. Ҳакимовнинг маърузасида пойтахтнинг нафакат мамлакат, балки бутун Ўрта Осиёning маданий тараққиётидаги ўрни, архитектураси масалаларининг бадиий жиҳатлари атрофлича таҳлил этиб берилди. Профессор Д. А. Алимовнинг «Тошкент тараққиёти замонавий маданият контекстида» номли маърузасида маданий тараққиётнинг муҳим белгилари ҳисобланган пойтахт ижтимоий мақомига мос келувчи архитектураси, яъни ташки киёфаси, моддий маданияти, санъат, фан ва таълим, тил ва адабиёт ҳолати, аҳолининг гендер жиҳатдан кўрсаткичи ҳамда унинг маънавий ҳусусиятлари каби масалаларга эътибор қаратилди. Маърузада қадимий маданий қатламга асосланган ҳозирги шаҳарларнинг аксарияти, ушбу пойдеворнинг асл моҳиятини сақлаган ҳолда, янги шарт-шароитларга мослаб ўзгартирилган ва модернизациялаштирилган, шу жиҳатдан Тошкентнинг маданий эволюцияси қадимий ва бой маданий мерос негизида содир бўлмоқда, деган фикрга алоҳида ургу берилди. Конференциядаги ҳар бир маърузанинг электрон слайдлар орқали тақдим этилганлиги уларнинг янада қизиқарлироқ бўлишини таъминлаб берди.

Семинар илмий мунозараларида ЎзРФА ижтимоий-гуманитар йўналишдаги институтлар, ОЎЮнинг етакчи олимлари, ҳалқ таълими тизимидағи мактаб, коллеж ва лицейлардан ташриф буюрган ўқитувчилар фаол қатнашдилар. Жумладан, ТДШИ профессори М. Исҳоқов, ТИУ профессори А. А. Агзамхўжаев, ГулДУ катта ўқитувчиси У. Эрбўтаева, Тошкент шахри Юнусобод тумани 43-мактаб ўқитувчиси Е. Монахова ва бошқалар ўз чиқишларида семинар мазмунли ҳамда самарали ўтганлигини, дарҳакикат, тарих фани доимий тараққий этаётганлигини таъкидладилар. Семинар якунида йигилиш қарори ва таклифлари ишлаб чиқилди.

Семинарнинг иккинчи қисмida ЎзРФА Тарих институти томонидан 2007-2008 йиллар мобайнида чоп этилган янги илмий нашрлар тақдимоти бўлиб ўтди.

-йиҳази X одонг ёзсаннамаси овожибояй вазандук эн Н. Мустафаева
этажини ҳижможони язиб оғизиб

Муаллифлар ҳақида маълумот

М. Филанович – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

А. Абдураззоков – Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти «Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

А. Отакўжаев – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, фил.ф.н.

А. Шарипов – ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими, фал.ф.н.

А. Маликов – Алишер Навоий номидаги СамДУ доценти, т.ф.н.

Ў. Султонов – ЎзР ФА Шарқшунослик институти, катта илмий ходими, т.ф.н.

М. Исакова – ЎзР ФА Тарих институти докторанти.

Д. Зияева – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.

Н. Маҳкамова – ТАТУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, т.ф.н.

С. Шодмонова – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Г. Уфимцев – С. П. Бородин Давлат Меъмориал уй-музейининг катта илмий ходими.

Д. Алимова – ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д., профессор.

Ш. Ёвқочев – ТДШИ «Сиёсатшунослик» кафедраси мудири, сиёсатшунослик ф.н., доцент.

А. Ҳабибуллаев – Ўрта Шарқ Исломшунослик ва Марказий Евросиё тадқиқотлари марказларининг бирлашган кутубхонаси раҳбари (Индиана университети, Блумингтон, АҚШ).

Н. Мустафаева – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Журнал муқовасида Бинкатдан топилган X асрга оид сопол лаган тасвири туширилган.

На обложке журнала изображено керамическое блюдо X века, найденное при раскопках Бинката.

Текір

34402

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2009. № 1